

ИСЛОМ ШОИР УСЛУБИГА ХОС АЙРИМ ЭПИТЕТЛАР ҲАҚИДА

Чиниқулов Отабек

(СамДУ ўзбек филологияси
факультети 2-курс магистри)

Мақолада Ислом шоир ижоди таҳлил қилиниб, унинг услуби, ундаги айрим эпитетлар ҳақида фикр юритилган. Унда дostonлардаги келтирилган атама сўзлар таҳлил қилинган.

Услубшуносликка доир илмий манбалардан маълумки, ҳар қандай ижодкорнинг ижод маҳсулида унинг ўзига хос услуби сезилиб туради. Бу қараш бадий ижод намояндаларига ҳам тегишли. Халқ орасида дostonлар неча минг йиллар давомида куйланиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётганига қарамасдан, анъанавий эпик асар сюжетини куйлаш жараёнида ҳар бир бахшининг ўз услуби билиниб туриши ҳам ҳақиқат.

Бинобарин, Ислом шоир Назар ўғлининг ҳам дoston куйлашда ўз услуби бор ва бу услуб Фозил Йўлдош ўғли ва Эргаш Жуманбулбул ўғли услубидан фарқ қилади. Бу услубий фарқланишлар кўп қиррали. «Орзигул» дostonида қўллаган эпитетларнинг образлиқ даражаси ёки унинг қўлланишида ижодкорнинг поэтик маҳорати намойиш этилган жиҳатларни аниқлаш мақсадида қиёсий таҳлил усулидан фойдаланамиз ва аниқловчи вазифасида бажарган бир неча сўзларнинг яна «Алпомиш» ва «Холдорхон» дostonларида учраш ҳолатлари билан солиштириб кўрамиз.

аждар. Халқ дostonлари матнида учрайдиган *аждар* сўзининг маъноси унинг изоҳи луғатларда берилган маъноларидан биров фарқ қилади. Мас., «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да учун шундай шарҳланган: **Аждар.** ф. Афсонавий катта илон. **Ажда(р)хо.** 2. *кўчма нафр.* Қонхўр, ёвуз одам ҳақида.¹ Халқ оғзаки ижоди матнларида сўз ўзининг ушбу икки маъносини ҳам сақлаб қолиш баробарида (*Думини ўйнатиб индамай ётди, Орзигул саломат аждардан ўтди.* «Орзигул», 286) эпик асарларда учинчи маънода – ижобий отенка ифодалаш мақсадида ҳам қўлланган, яъни асарнинг ижобий қахрамонларига ҳам *аждар* деб сифат берилган: *Йўлбарсдай бўп боради, Така элнинг аждари.* *Йўлбошчиси олдида Бек Гўрўгли сардори.* «Холдорхон», 85).

Уч дoston қиёсидаги услубий фарқлар *аждар* га бўлган муносабатда ҳам кўринади. Биринчи фарқ сўзнинг қўлланиш частотасида. Мас., у «Орзигул»да 1 марта, «Алпомиш»да 2 марта, «Холдорхон»да 13 марта қўлланган. Биринчисида ўз маъносида: *Думини ўйнатиб индамай ётди, Орзигул саломат аждардан ўтди*(286); иккинчисида ҳар икки маънода: *Айдаҳор ҳам Қоражонни кўради, Қоражонга аждар салом беради.* (138).

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбек миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2006, 45-бет.

Алининг шогирди Бобои Қамбар, Али билан йўлдош Молики аждар (285), учинчисида эса кўчим устунлик қилади: *Босим келди бу аждар, Ҳамма зўрлик қилди деб, Айта берди ёронлар* (315). Иккинчи фарқ сўз қўллашнинг шаклий ранг-баранглигида кўринади: *аждар, аждарҳо, аждаҳор, айдаҳор* каби. Сўзнинг *аждарҳо, аждаҳор* шакллари «Алпомиш»да учрамайди. Айни пайтда, унинг шева варианты *айдаҳор* ниҳоятда фаол – 35 марта қўлланган: *Бундан беҳабар кўп қизлар, Қоражон бекдай айдаҳор* (51). Бу вариант қолган икки дoston матнида учрамайди.

Ислom шоирнинг маҳорати аслида эпитет бўлган, кейинчалик метафоризациялашган сўзни яна ўхшатиш-эпитет сифатида қўллашида кўринади: *Дол бўйингдан мендай ойим ўргилур. Аждаҳосифатли сизга йўл бўлсин?* (343) каби. Сўзни бу шаклда икки баҳши қўлламаган. *Аждар* сўзининг уч баҳшида алоҳида тарзда қўлланилишини услубий фарқлар сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

арслон. Қиёсий таҳлиллар халқ баҳшиларининг *арслон* сўзи бўлган муносабати ҳам мутлақо индивидуал эканлигини кўрсатади. «Орзигул»да унга фақат бир марта мурожаат қилинган: *Оқтошнинг эгаси, беги, арслоним, Бир суянган раҳбаримдан айрилдим* (329). «Алпомиш»да учрамайди. «Холдорхон»да эса бутунлай бошқа бир манзарага дуч келинади. Дoston матнида бу сўз 35 марта қўлланилган. Метафорага айланган: *Энди тез-тез полвон юбор, Чин баҳодир, арслон юбор* (233), ўхшатиш воситаси бўлган: *Йўлбарсдай бўп гоҳ вақтда чапланиб, Арслондай оҳ дейди, шердай гўнграниб* (152). Бу каби ҳолатларни ўнлаб учратиш мумкин. Аммо Эргаш Жуманбулбул ўғлида Ислom шоирга ҳам, Фозил Йўлдош ўғлида ҳам учрамайдиган бой фактик материалларга дуч келамиз. Унинг дostonида *арслон* ўзига бир неча эпитет олади. Мас.:

-юрakли арслон - *Мирза Аскар полвон эди, Бир юракли арслон эди, Ҳозир ўзи иш кўрмаган, Ёши кичик ўғлон эди* (69);

-оч арслон - *Гўрўглибек боради, Оч арслондай ариллаб* (82);

-тарафсиз арслон - *Бир тарафсиз арслонга кел, Кел, ботирлар, якка-якка* (97);

-улуғ арслон - *Майдонга кел, майдонга кел, Мендай улуғ арслонга кел!* (267);

-номдор арслон - *Майдонга кел, майдонга кел, Мендай номдор арслонга кел!* (267);

-не бир арслон - *Не бир арслонлар гуркираб Юрибди майдон ичинда* (275);

-атоқли арслон - *Бир атоқли арслонди* (346);

-ҳарифи йўқ арслон - *Ҳасан полвон полвонди, Ҳарифи йўқ арслонди,* (412);

-хўп бир билак арслон - *Қайсар кўрди полвонди, Хўп бир билак арслонди* (311).

Эпитетли бирикмалардаги тасвирий ранг-баранглик Эргаш шоир услубини бегиловчи ва уни юксакликка олиб чиққан маҳорат намуналаридир.

ботир. Ушбу сўзнинг қўлланиш нисбати уч дostonда қуйидагича: «Орзигул»да 9 та, «Алпомиш»да 23 та, «Холдорхон»да 275 та.

Троплар тизимида *ботир* элементи билан боғлиқ тасвирий воситаларнинг самарали қўлланиши тилнинг муайян қонуниятлари ва бу сўзнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ.

Биринчидан, *ботир* грамматик жиҳатдан беги-хусусият англатади ва одамга нисбатан аниқловчи бўлиб келади. Тарихан мўғулча бўлган ушбу бирлик *хавф-хатардан, қийинчиликдан қўрқмайдиган, қўрқмас, довюрак, жасур* маъноларини англатади² ва сўзлашув, бадий-публицистик нутқда поэтик аниқловчи вазифасини бажариб келади. Иккинчидан, унинг нутқда фаоллиги грамматик жиҳатдан сифатнинг отлашувига, поэтик аниқловчининг метафоризациялашувига олиб келади – юқоридаги сифатларга эга бўлган одамга нисбатан сўзнинг ўзи тўғридан-тўғри ишлатилаверади. Бу ҳолатни биз қиёсий таҳлил учун олган ҳар уч дoston матнида ҳам фаол учратамиз. «Орзигул»да: *Ҳеч ердан қайтмайди ботирнинг сўзи, Орзини олганди Сувоннинг ўзи (317)*. «Алпомиш»да: *Бораётган Кўнғирот элнинг ботири, Қоражоннинг қирқ аймақли чотири (110)*. «Холдорхон»да: *Сувсиз чўлда ботирлар Отнинг жонин олади (13)* каби. Ҳар уч дoston учун умумий бўлган яна бир хусусият уларнинг асосий қахрамонларга нисбатан қўлланишида. Бу ҳолат, айниқса, «Орзигул» ва «Алпомиш» матнида яққол кузатилади. Биринчисидан: *Дурбин олиб Сувон ботир қўлига, Боқиб қарай берди даштнинг чўлига (300)*. *Сувон ботир, мен сизлардан сўрайман, Хос салла ўраган хонлар, йўл бўлсин? (341)*. Иккинчисидан: *Ярашиққа тикиб чотир, Ёлғиз от қўйгандир ботир, Хитойчалар патир-путур, Отилиб майдон ичинда (289)* каби.

Айни пайтда, ушбу сўзнинг қўлланишида ҳар бир бахшида ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Ислом шоир аслида эпитет бўлган ва метафоризациялашган бу элементнинг ифодадаги таъсир кучини янада оширади, унга нисбатан яна эпитет қўллайди: *найзадаст ботир: Қорахон подшо салтанатли беклар билан тилла жигаси бошида, жонкуяр беклар қошида, подшолик юзи хотири билан, соя пардали чотири билан, неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан богнинг устидан келиб қолди (270)*. Фозил шоир уни кўпчилик ҳолларда стилистик формулалар таркибида ишлатади: *От чопса гумбулар тоғнинг дараси, Ботирни ингратар найза яраси (31,145); Ботирни ингратар найза яраси, Келган бўлса Кўнғирот элнинг тўраси (121)*. Бир ўринда сўзнинг ўзига ҳам эпитет қўллайди: *Мен Алпомиш, назаркарда ботирман, Ботирликдан бу зиндонда ётирман (246)*.

Эргаш шоир қўллаган *ботир* нафақат сон, балки сифат жиҳатдан ҳам салмоқлидир. Сўзнинг 300 га яқин ўринда ишлатилганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу қўлланишда қуйидаги ҳолатларни кузатамиз:

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006, 328-329-бетлар.

1) эпитет бўлиб келади: **Ботир беклар** дамга қўймай он қўяр, Қахрланиб минса отнинг устига (27). Қўрқоқлари қочиб, шошиб, **Ботир уллар** қувалашиб, Ота боладан адашиб, Эр йигит бўлса савашиб (127). Гоҳ ул қувиб, гоҳ қочиб, **Ботир уллар** қон сочиб, Не бир тулпор бедовлар Юрур оғзини очиб (226). Ўткир, қўлидан иш келадиган, **баҳодир-ботир йигитлар** жсам бўлиб йиғилсин (229). Ёвмитман Таканинг **ботир шерлари**, Қон билан бўялсин қирғиз ерлари (207);

2) ўз синонимии баҳодир билан жуфтлашган ҳолда келиб, экспрессивлик самарадорлигининг ошишига хизмат қилади: Қўлида қиличи **ботир-баҳодир**, Икки ёқли сермаб юрур қон сочиб (121);

3) ботир отлашганда яна ўзига аниқловчи олади:

-самта ботир: **Самта ботир** гулдай жайнаб, Файрати қозондай қайнаб (38);

-юракли ботир: **Кўп юракли ботир** эди, Танҳо мингга татир эди, Ёши каму юраги кўп, Қўрқмас безавотир эди (69). Қизилбошлар жуда **юракли ботир** экан, урушга журъат, гайратин жуда кўп қилди (131);

-ботир Гўрўгли: **Шуйтиб Гўрўгли ботир** Қаттиқ қистаб йўл тортди (84);

-ҳариф ботир: Менга келсин, **ҳариф ботир**, Мен кўрсатай қувватимни (105);

-чин ботир: **Чин ботирни** душман қайтиб қамайди, Кўзи тушса, душман тура соп қочиб (121);

-полвон ботир: Ҳамманг **полвон ботир** сан-да, От қўй ганимнинг устига (213);

-кўп ботир: Ҳасан бўлди **кўп ботир**, Ҳар ёқдан эл кеп ётир (254);

-ўмровли ботир: **Ўмировли не ботирлар** Йиқилди майдон ичинда (282)

-гала ботир: Ўзинг тирик, сенинг кўндир хотиринг, Олдинда хизматкор **гала ботиринг** (375);

-эр ботир: Шаҳарнинг бор одами душмандир, Эр **ботир-да**, қирмоқдан кам бўлмаса (403) каби.

Эпитетларни, хусусан *ботир* ни қўллашдаги бу хил ранг-баранглик Эргаш Жуманбулбул ўғлининг поэтик тафаккури ғоят кенглиги ва тил тасвирий воситаларидан фойдаланишдаги моҳоратининг устунлигидан далолат беради.

валламат. Асосан сўзлашув нутқи ва халқ оғзаки ижодининг эртак ва дoston каби жанрларида фаол қўлланиладиган бу сўзнинг қиёсланаётган уч дoston матнида қўлланиш кўлами ҳам турлича. У «Орзигул»да - 4, «Алпомиш»да - 13, «Холдорхон»да - 96 марта ишлатилган. Луғатларда *валламат* бирлиги *валинеъмат* нинг сўзлашув варианты сифатида талқин қилинади ва унга 1. Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс; 2. Олиҳиммат, сахий одам; хаёр-саховатли, қўли очиқ киши; 3. элнинг каттаси, бошлиқ, амалдор; эл

хизматида бўлган; 4.мард киши, мард; 5.ман-ман дегани, ҳар қандайи сингари изоҳлар берилади.³

Уч дoston таҳлили шуни кўрсатадики, уларда кўлланилган *валлама*т элементи бу маъноларнинг барчасини ўзида мужассам қилган ва асосан метафоризациялашган ҳолда кўлланилган: «Орзигул»да: *Устидаги валлама*тти, *Кўнгли ойдин, безуборди* (323). *Карвонларга берибди арза хатини, Хатга солиб сиз валлама*т отини (361); «Алпомиш»да: *Таёқ еган бекда қолмади тоқат, Ўлдирар қайтмасам, дейди валлама*т (79); «Холдорхон»да: *Ана энди Холдорхон подшо тилла муҳрни босиб, арзани буклаб, қозога ўраб липопалаб, Қрим мамлакатининг қорувлисидан, новчасидан еттита одамни олиб, қўлига хатни бериб, Чамбил мамлакатига, Ёвмитнинг элатига, Таканинг валлама*тига элчи қилиб юборади (8).

Аммо, эътироф этиш жоизки, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг сўз кўллашдаги бадий мушоҳадасининг кенглиги ва поэтик маҳорати *валлама*т сўзида яққол сезилади. Шоир ундан қуйидагича фойдаланган:

-эпитет сифатида: *валлама*т полвон: *Сен валлама*т полвонсан, *Шафқатинг кўп арслонсан, Йўл кўрсатинг раҳм айлаб, Биздай бетамизларга* (330); *валлама*т Гўрўгли: *Қирғиз ҳам кўп эл-да, Аҳмад Сардор уришнб ололмай ёта берсин, энди сўзни Гўрўгли валлама*тдан эшитинг (78). *Гўрўглибек валлама*т Бексарани тилла-кумушга чўмириб ташлади, шундай инъом қилди, ўзига берган сарпони ўзи кўтара олмади, отига берган асбобни оти кўтара олмади (270).

-олдидан яна бир сўзни эгалик кўшимчаси билан биргаликда модал сўз сифатида кўллаган ва мурожаат оттенкасини кўчайтирган: *қиблагоҳим, валлама*т: *Жавоб беринг, қиблагоҳим, валлама*т, *Бошига мен қора кунлар солайин* (137); *подшоҳим, валлама*тим: *Тақсир подшоҳим, валлама*тим, *сиздан бу оломонга бу койиш ҳам даркор эмас; бу бечоралар сизни деб бош бериб, қон сочиб, жон бериб юрибди* (183); *сиз валлама*тим: *Сўзимни эшитинг сиз валлама*тим, *Ёвмитман Такада соҳиб давлатим, Валлама*тим қулоқ солинг сўзима, *Жавоб беринг, бу кун менинг навбатим* (301); *отам валлама*т: *Кесиб келай қизилбошнинг бошини, Оқ фотиҳа беринг, отам, валлама*т (108). *Кесиб келай чўлкезарнинг бошини, Оқ фотиҳа беринг, отам, валлама*т (136); *каъбам валлама*т: *Оқ фотиҳа беринг, каъбам, валлама*т, *Бу гайратим шу Думалоқ учундир* (р) (108).

-*валлама*т нинг кириш бўлак, мурожаат воситаси сифатида такрор кўлланилиши билан маъно янада кучайтирилган: *Валлама*тим, *мен майдонга бораман, Думалоқнинг букун додин бераман, Оқ фотиҳа беринг каъбам, валлама*т *Жавоб бер, отажон, майдон кираман* (108). *Валлама*тим, *рози бўлинг келмасам, Мен бориб зангини яксон қилмасам, Оқ фотиҳа беринг, отам, валлама*т, *Армон қолар зангини мен олмасам* (137);

-метафоризациялашган сўзнинг ўзи эпитет олган: *улуғ валлама*т: *Бизлар сиздай улуғ валлама*тимиздан бир нарса тилаймиз (382); *назаркарда*

³ Ўзбек тилининг изоҳи луғати, Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006, 438-439-бетлар.

валламат: *Илоҳи, давлати кўрмасин офат, Назаркарда валламатга салом де (391)*. Валламат нинг аниқловчиси жой номи бўлганда у ғоят кучли поэтик воситага айланган ва ватандан ғурурланиш, фахрланиш оттенкасини бера олган: *Мен Чамбилнинг валламатини, Бул жаҳонда қолди оти, Бошдан йўқ бўлганди зоти, Донгдан армоним қолмади (431)*.

«Орзигул» матнида шундай эпитетли бирикмалар борки, улар биз юқорида қиёсий таҳлил учун олган «Алпомиш» ва «Холдорхон» дostonларида учрамайди. Биз ана шу жиҳатни асос қилиб олиб, бу эпитетли бирикмаларни Ислом шоир услубига хос индивидуал эпитетлар сифатида эътироф этамиз. Улар қуйидагилар:

-жизадор қуш: *Мен сизни ўхшатдим бизадор қушга, Худди шундай бўлиб келдинг, тўражон (330)*;

-илон тилли қилич: *Ғазаб билан миниб отнинг белига, Илон тилли қиличин об қўлига (332)*;

-кишимши ем: *Энанг Сувонжонга миндирай, деб бахмал тўрвада кишимши емин бергандир (292)*;

-меҳрли қанот: *Эна, мен ҳам бир меҳрли қанотинг, Ҳафтада кўрмасанг йўқди тоқатинг (293)*,

-ғамли савдо: *Шу сўзларни айтиб, юрагига ғамли савдолар тушиб, шундай фикрлар билан Орзигул ухлаб қолди (280)*;

-қиёмат савдо: *Ўйнатардинг, кўтарардинг қўлингга Қиёмат савдолар бўлди ўзлингга (349)*. Фақатгина мана шу бирикма «Холдорхон»да бир марта қўлланган: *Оқизар кўзингдан қонли ёшингни, Қиёмат савдога қўяр ишингни (26)*.

Англашиладики, Ислом шоир Назар ўғли «Орзигул» дostonида қўллаган эпитетлар шунчаки тасвирийлик учун хизмат қилган лингвистик воситалар эмас, айна пайтда, бахшининг индивидуал услубини намоён қилган, ўзбек дostonчилик анъаналарини мукамал образлар билан бойитган, уларнинг бадий жиҳатдан пишиқ бўлишига хизмат қилган троплардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Каримов С.** Зулфия поэзияси тилида эпитетлар // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари, 2-чиқиши. СамДУ асарлари, янги серия, 346. – Самарқанд, 1978. 9 б.

2. **Каримов С.** Эпитет ва Ғафур Ғулом маҳорати. Ғафур Ғулом ва давримиз. Мақолалар тўплами. – Қарши: «Насаф» нашриёти, 2003, 64-68-бетлар.

3. **Рустамов А.** Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент, 1979.

4. **Тўрабекова С.** Ғафур Ғулом поэзиясининг тасвирий воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, 6- сон.

5. **Хўжаева Д.** Эпитет ва метафораларни ўзаро фарқлашга доир // Тил ва адабиёт таълими, 1995, № 5-6, 43-47-бетлар.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006..

7. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент, 1977.